Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 26-iyul • Shanba • 89 (27.894) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришлар, Ватанимизнинг янада равнақ топишида барчамиз, шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсон бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳақлидир».

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИ

2008 йил 14-20 июль кунлари Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида жаҳоннинг 97 та давлатидан келган 535 нафар иштирокчи қатори мамлакатимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Ёш математикларимиз ушбу нуфузли халқаро олимпиадада навбатдаги ишончли ғалабани қўлга киритишди. Олимпиадада қатнашган 6 нафар ўғил-қизимиздан 4 нафари бронза медалига, 2 нафар иштирокчи эса фахрий дипломга сазовор бўлишди.

Мазкур халқаро математика олимпиадасининг асосий мақсади жаҳондаги иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг математика фанига қизиқишини кучайтиришдан иборат. Ушбу нуфузли олимпиадада Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Шерзод Сафоев, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Фарҳод Ҳайдаров, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Алишер Эшонқулов, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг 2-курс ўқувчиси Диёра Салимовалар бронза медалларига сазовор бўлишди.

Шунингдек, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ўқувчилари (10-синф) Аброр Пирнапасов ва (11-синф) Элбек Қурбоновлар халқаро ташкилий қўмитанинг фахрий дипломи билан тақдирланди.

Ўзбекистон терма жамоаси 1997 йилдан буён ушбу нуфузли халқаро олимпиаданинг доимий иштирокчиси ҳисобланади. Бу йилги танловда Испания давлатининг таълим вазири жаноб Мерседес Кабрера Калво-Сотело ҳамда халқаро ташкилий қўмита аъзолари Ўзбекистон жамоаси олимпиадада юксак кўрсаткичларга эришаётганини эътироф этишди.

Шерзод АҲМАТОВ,
Халқ таълими вазирлиги матбуот котиби

Энг улуғ, энг азиз

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улуғ, энг азиз» танловининг Самарқанд вилояти босқичи якунланди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмалари, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари томонидан ташкил этилган танловда 400 нафарга яқин ёзувчи ва шоирлар, босма оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

— Танловни ўтказишдан мақсад мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, эришилган ютуқлар, юртдошларимизнинг бу жараёндаги иштироки ва фидокорона меҳнати акс этган ижодий асарларни аниқлаш ва унинг муаллифларини рағбатлантиришдан иборат, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими раҳбари Амрилло Аҳмедов. — Танлов ҳайъатига ана шу мавзулардаги бадиий ва тасвирий санъат асарлари, журналистик материаллар тақдим этилди.

Танлов якунига кўра, бадиий асарлар номинациясида биринчи ўринга "Самарқанд санамлари" бадиий-публицистик китоби муаллифи шоира Хосият Бобомуродова муносиб топилди. Босма оммавий ахборот воситалари ўртасида вилоят "Зарафшон" газетаси таҳририяти, тасвирий санъат асарлари бўйича рассом Эркин Аминов, телевидение ва радиода эълон қилинган ижодий ишлар номинациясида эса «Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюшмаси мухбири Рухсора Ғофурова ҳамда вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири Тошпўлат Тугулов ғолибликни қўлга киритди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Вера ПАК (чапдан биринчи.)

ИСТИҚЛОЛ САОДАТИ

Бундан ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакиллари бирдек баҳраманд бўлишмоқда

Журналист ва ёзувчи, Ўзбекистон корейсларининг «Корё Синмун» газетаси муҳаррири, бир неча китоблар муаллифи Ким БРУТТга ўзимни таништиришим билан, «бемалол ўзбекча гапираверинг», деди у соф ўзбек тилида.

Сирасини айтганда, мамлакатимизда яшайдиган корейсларнинг аксарияти давлат тилини жуда яхши билади.

— Андижон вилоятининг Бўз туманида туғилиб, вояга етганман, — дейди Брутт Инокентьевич. — Қишлоқда, ўзбек маҳалласида ўсиб улғайдим, ўзбек тилини иккинчи она тилим деб биламан.

✧✧✧

Ким Брутт «Тақдир шамоллари», «Тумангандан Сирдарёгача» деган китобларнинг, ўзбекистонлик машҳур корейслар ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотноманинг муаллифидир. У корейслар Приморье ўлкасидан бадарға этилган машъум 1937 йил воқеаларини, турли миллат ва элатлар билан бир оиладек аҳил-тотув юртимизда яшаётган корейсларнинг ҳаёт йўлини жуда яхши билади.

— Бир кекса отахон шундай ҳикоя қилиб берганди, — дейди у. — «Оиламиз билан ўзбек қишлоғига кўчиб келган кундан бошлаб, ўзимизни бегона ҳис этмаймиз, доим қўни-қўшнилар ҳолимиздан хабар олиб турган. Дастлаб, бир аёл узоқ йўлдан чарчаб-эзилиб келганларга нон, туршак, қатиқ олиб чиққан. Ваҳоланки, ўша пайтда аҳвол жуда оғир, қаҳатчилик, қатағон одамларни қийнаб ташлаган, маҳаллий аҳолининг турмуши ҳам яхши эмас, айниқса, озиқ-овқат тортилган эди. Ўзбек халқининг қўли очиқ эканини ўшанда сезганмиз».

Юракка михланиб қоладиган бундай воқеалар ҳақида кекса корейслар тўлқинланиб гапиришади, бунга кўп бор гувоҳ бўлганман.

4-бет

ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ АРДОҒИДА

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят ва Ховос туман кенгашлари, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган «Мамлакатни модернизациялаш жараёнида хотин-қизларнинг роли ва вазифалари» мавзуидаги тадбирнинг Ховосда ўтказилиши бежиз эмас. Туманда мустақилликка қадар йиллар давомида хотин-қизлар ҳаётига доир муаммолар йиғилиб келар, уларни бартараф этиш бўйича юзаки тадбирлар белгиланар эди, холос. Хотин-қизларнинг турли камситилишларига, қадр-қимматига етарли баҳо берилмас эди. Ваҳоланки, муаммолар моҳиятан ҳал этилган тақдирдагина, ҳар қандай нохуш ҳодисаларнинг олди олиниши мумкин.

— Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, — деди «давра суҳбати»ни очар экан, ХДП Ховос туман кенгаши раиси Назокат Эрматова, — юртимиз Мустақилликка эришгач, биз хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётдаги ҳақиқий ўрнимизни топдик. Ҳар бир аёлнинг жамият ҳаётида фаол қатнашиши, ишда, оилада ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқариши учун мустаҳкам замин яратилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилшода Ҳайдарова йиғилганлар эътиборини вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг иштироки тобора фаоллашаётганига қаратди.

— Аёлларнинг фаоллиги ошиб, маънавий-интеллектуал савияси юксалиб бораётганини Сирдарё вилояти миссолида яққол кўриш мумкин, — деди у. — Бугунги кунда вилоятимиз аёлларининг бир нафари Олий Мажлис Сенати аъзоси, 7 нафари вилоят, 64 нафари эса шаҳар, туман Кенгашлари депутатларидир. Барча соҳаларда аёллар масъул лавозимларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Биргина мисол. Маҳалла фуқаролар йиғинларига ўтган сайловларда жами 277 та маҳалланинг 46 таси раислигига хотин-қизлар сайланди. Бу аввалги йилларга нисбатан 2,5 баравар зиёд демакдир.

— Аёллар маънавиятимиз, қадриятларимиз сарчашмаси, десак, муболаға бўлмайди, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Тарихимизда Тўмарис, Бибихоним каби улуғ момоларимиз ўтганки, улар она юртга беқиёс садоқатини амалда исбот этиб бера олган. Бугунги ўзбек аёли мамлакатимизда амалга оширилаётган улуғвор ишларда ўзлигини намоён этиши, салоҳиятини кўрсатиши учун давлатимиз томонидан ҳамма имкониятлар яратиб берилмоқда. Энг аввало, аёллар меҳнатини, ижтимоий фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган ҳаётий зарур қонунлар қабул қилинаётгани, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча чора-тадбирлар белгиланаётганини барчамиз кўриб турибмиз.

(Давоми 2-бетда)

2008 йил — Ёшлар йили

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол шахс бўлиб вояга етиши масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Изчиллик билан татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги билим масканларини барпо этиш, таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш, ёшларга мукаммал таълим-тарбия беришга хизмат қилмоқда.

ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР ТАЛАБА БЎЛАДИ

Яна бир неча кундан сўнг — 1 августда олий ўқув юртларига кириш орзусида бўлган минглаб ёшларимиз ўз билимини тест синовидан ўтказади. Мамлакатимизда ушбу синовларга бу йил қандай тайёгарлик кўрилди?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан маълум қилишларича, тест синовларига тайёргарлик ишлари Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008-2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорига мувофиқ олиб борилмоқда. Мазкур ҳужжатга кўра бу йил бакалавриатга 58 минг талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Ҳозир мамлакатимиз олий таълим муассасаларига абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш якунланди. Ҳар йилгидек, Давлат тест маркази томонидан тест синовларини белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказишга оид қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу масъулиятли жараённи тартибли, холис, ҳаққоний ва адолатли тарзда ўтказиш учун марказ ходимлари маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Давлат тест маркази вакиллари, олий ўқув юртларининг аудитория раҳбарлари, кузатувчилар учун ўқув семинарлари ўтказилди, тест жараёнида иштирок этадиган масъул вакиллар зарур барча материаллар билан таъминланди.

Бугунги кунда тест синовларида қўлланиладиган жами тест саволлари жамғармаси тўлиқ шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг малакали мутахассислари иштирокида тест саволларининг Давлат таълим стандартлари доирасида тайёрланганлиги ва мазмуни экспертизадан ўтказилди. Саволларнинг барчаси таълим масканлари учун тавсия этилган ўқув адабиётлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари доирасида тузилгани эътиборга молиқдир. Аҳамиятли томони, тест саволлари жамғармаси мазмунан такомиллаштирилди, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ўқувчи ёшларимиз учун шакллантирилаётган тест саволлари жамғармасининг мақсад ва вазифаларини янада ривожлантириш устида изланишлар давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йил олий таълим муассасасига кириш истагидаги йигит-қизлар тест синовларини ўтган йиллардаги тартибда топширадилар, яъни тест синовларини ташкил этиш ва топшириш жараёнида деярли ўзгариш йўқ.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ АРДОҒИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Она юртимиздаги не-не йўқотишлар мустақилликнинг ўн етти йили давомида тикланган, ўз вақтида топталган қадриятларимиз, ҳақ-ҳуқуқларимиз муносиб ўрнини топгани кўнглимизга қувонч бағишлайди, — деди ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева. — Ким эдигу ким бўлдик?. Оддий бир деҳқон фарзанди, оддий бир қаламкашнинг Олий Мажлис Сенатида фаолият юритиши бугун аёл мартабаси нақадар баланд эканидан далолат беради. Аёлни улуғлаш керак, аёлини қадрлаган юрт кам бўлмайди деган ғоялар ортида муҳтарам Президентимиз турибдилар, буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Фарзандларимиз тарбияси, умуман, тарбиянинг аҳамияти ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қайғуришимиз зарур. Биз, аёллар ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшларимиз, фарзандларимизни энг яхши анъаналаримиз руҳида тарбиялашга эътибор қаратишимиз, уларни ёт ғоялар таъсиридан эҳтиёт қилишимиз лозим.

Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Назира Маҳкамова маҳаллалардаги диний маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа соҳа мутахассисларидан иборат тарғиботчи фаоллар гуруҳлари тузилганини таъкидлади. Улар ҳар бир хонадонда, ҳар бир хотин-қиз билан яккама-якка суҳбатда бўладилар. Турмуш маданиятини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш гуруҳ аъзоларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг маънавий-маърифий диний ишлар бўйича маслаҳатчиси Гулбаҳор Акрамова, туман марказий касалхонаси шифокори, вилоят Кенгаши депутати Маърифат Ғофурова ва бошқалар ҳам мавзуга доир ўз фикрларини билдирдилар. Бугун юртимизда хотин-қизлар давлат ва жамият ардоғида экани таъкидланди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанимиз истиқлолининг 17 йиллигига

МУСТАҚИЛЛИК, АСРАГАЙМАН СЕНИ ТО АБАД!

(Шу номли туркумдан)

I.

Кечагидек эсимда: 1991 йил, 31 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси. Минбарда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов:

— Мен бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман!

Қарсаклар, олқишлар... Ҳамма ўрнидан турган. Қувончлар, севинчлар. Юзларда, кўзларда шодлик-шодумонлик...

Наздимда, ўша лаҳзаларда азал-азалдан Ватаним, элим деб ҳаётини — жонини тиккан улуғ аждодларимизнинг руҳлари шодмон бўлиб, ўлкамиз кўкида чарх уриб айлана бошлади...

Йўлбошчимиз ўшанда Башар аҳлига: «Эй, одамлар, дунёда Ўзбекистон аталмиш бир гўзал юрт бор!, **«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз!»** деган хабарни бонг уриб айтаётгандек эди...

Мана, орадан ўн етти йил ўтиб, ўзбек ўз қаддини тиклаб олди. Дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам ҳам бўлмаслигини намойиш қилди. Истибдод йиллари эзилган, таҳқирланган, боши эгик, мискин ва бечора бўлган кишилар яна ғурури сарбаланд халққа айланди...

17 йил. Кўҳна тарих олдида оний бир фурсат. Лекин шу фурсат мустақилликда ўтган йиллар, орзу-умидлар, интилишлар, қуриш-яратиш наъшу намосидир.

Дарвоқе, **Ватан** ҳақида...

Курраи замин бутун Ер юзида яшаётган олти миллиарддан зиёд халқлар учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳамда сарҳадлари белгилаб қўйилган ҳудуд — она-Ватан. Шу маънода, ўзбек миллатининг Ватани — Ўзбекистон Республикаси!

Гоҳида машҳур қўшиқда куйланганидек, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!» — дея хиргойи қилган пайтларимиз бўлади. Лекин, афсуски, ўшандай кезларда ҳамиша ҳам: «Мен Ўзбекистон учун нима қилдим?» ёки «Мендан Ватанимга нима қолади?» деган саволни ўзимизга бериб кўрмаймиз. Ҳолбуки, Юртбошимиз ҳар доим бир ҳақиқатни такрор-такрор айтадилар: **«Ўзбекистонни ҳеч ким четдан келиб обод қилиб бермайди. Уни ўзимиз обод қиламиз ва ўзимиз асраймиз!»** Таассуфки, бу фикрлар ортида миллатнинг эртанги куни ва тақдири ётганини ҳамма ҳам ич-ичидан ҳис қилавермайди. Ишонинг, бор шундай кишилар ҳамон. Қачон қараманг, нимадандир норози бўлиб, нолиб, аламзада юришади. Ҳатто минғирлаб, иғво ҳам қилиб қўяди. Кўрнамаклик, ношукрлик бундан ортиқ бўлмайди!

Қадимул айёмдан бу кўҳна заминда озод яшашни истамаган, уни бой берганида интиқ бўлиб курашмаган бирор бир халқ, бирор бир миллат бўлмаган. Аммо бу буюк неъматга нечоғлик қурбонлар эвазига кимлар муяссар бўлган, кимлар ҳамият отлиғ улуғ тушунчадан бенасиблиги боис, ундан маҳрум бўлган. Миллатнинг Ўзлик туйғуси тирик ва уйғоқ экан, у Озодлигини қўриқлай билади. Миллий ҳамият бутун бўлса, бас, ҳеч бир бойлик ёки нафс балоси Озодлик учун бадал бўла олмайди.

Истиқлолнинг қадри, қадди бениҳоя юксак. Қайсики ўлка, қайсики замонда бу тушунча устувор бўлса, ўша замин ва ўша замонда тараққиёт бўлган. Халққа саодат дарвозаси очилиб, илм-фан, маданият-маърифат гуллаб яшнаган ва ўша юрт фарзандлари жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган. Чунки истиқлолгина инсонга ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий, сиёсий, қўйингки, барча соҳаларда Худо берган салоҳиятини намоён этишига имконият яратган. Зотан, мустақилликнинг асл моҳияти ҳам ана шунда!

Юртимиз истиқлолга эришгач, халқнинг дили ҳам, тили ҳам, тупроғи ҳам, меҳнати ҳам, дала-суви ҳам эмин-эркин нафас ола бошлади. Аждодларимизнинг топталган асрий анъаналари, миллий қадриятлари яна қайта қад ростлади, пировардида, миллатнинг тарихий хотираси ва ишонч-эътиқоди сарбаланд бўлди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб тарихимизга дахлдор, каттадир-кичикдир, ҳар бир обидани чангғубордан тозалаш, тиклаш, кишиларимизни эскича «қуллик» тафаккуридан халос этиш, улар онгини ҳуррият маънавияти билан нурлантириш борасида кенг кўламли ишларга киришилди. Халқимизни, айниқса, ёшларимизни турли палағда ғоялардан, зарарли ёт таъсирлардан муҳофазалаш, уларни буюк келажак яратишдек улуғвор ишнинг фидойилари бўлишга сафарбар этиш мақсадида миллий истиқлол мафкураси шакллантирилди. Эзгу ишлар шаҳар ва қишлоқлар ҳаётини жонлантириб юборди. Қайси соҳани қараманг, янгиланиш, ўзгариш ва ўзгартишлар гувоҳи бўлдик.

Йиллар ўтгани сайин одамлар истиқлолнинг абадий пойдорлигига ишончу ихлос билан одимлади, унга юрак-юракдан ишониб, давлатимиз раҳбари сиёсатини астойдил, таъбир жоиз бўлса, фидойилик билан қўллаб-қувватладилар. Тўғри, озодликнинг тарихий аҳамияти ва уни ҳимоя қилиш ҳақида сийқа сафсата сотганлар, мен деб кўкрагига урганлар ҳам бўлди. Вақт эса уларнинг кимлигини кўрсатди...

✧✧✧

Ота-боболаримиздан бизгача етиб келган бир ривоят бор. Эмишки, ҳоқонга қўшни мамлакат подшосидан элчи келиб, таҳдид билан хазина талаб қилади. Гарчи сарой аҳли ҳоқонга жанг қилишни маслаҳат берса-да, у хазинани бериб юборади. Кўп ўтмай қўшни мамлакат ҳукмдоридан яна элчи келади. Бу гал у ҳоқондан қизи — Маликани талаб қилади. Аҳли аён дарғазаб бўлиб, ҳоқонни жангга чорлайди. Аммо у бу сафар ҳам қўшни мамлакат подшосининг талабини қондиради.

Ой ўтар-ўтмас ҳалиги элчи яна «қадам ранжида» қилади ва ҳоқондан мамлакат четидаги ташландиқ бир ерни ўз мамлакати тасарруфига ўтказиб беришини сўрайди...

Шундан сўнг ҳоқоннинг жаҳли чиқади: «Ватаннинг ҳар бир қаричи мен учун муқаддас. Подшойингга бориб айт, унга ҳатто мамлакатим тоғидаги тошни ҳам бермайман. Чунки, бу жойлар боболаримиздан мерос ва фарзандларимга, набираларимга қолажак!» — дейди. Табиийки, бу гал жангни афзал кўради...

Ватанни севиш, уни энг муқаддас неъмат билиб асраш, ардоқлаш фазилатлари ҳам бизга аждодларимиздан қолган мерос.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Мен нега ХДПни танладим?

«МАҚСАДИМИЗНИ АКС ЭТТИРГАНИ УЧУН»

дейишмоқда навоийлик ёшлар

Инсонда ихтиёрийлик, бошлаётган, бажараётган ишига чин дилдан истак бўлмаса, ҳаракат кутилган натижани бермайди. Сиёсий партия, ташкилот, ҳаракатга аъзо бўлишда ҳам мойиллик, хоҳиш-ирода, шахсий истак биринчи ўринда туради.

— Биласизми, мен нега ЎзХДПга аъзо бўлдим, — дейди Навоий шаҳридан Дилшода Воҳидова. — Чунки мазкур партия ўзини сўл сиёсий куч деб эълон қилган. Партия фаолиятининг мазмун-моҳияти ҳақиқатдан ҳам муҳтож, ҳаётда қийналиб қолган инсонларга кўмак бериш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Яна бир муҳим жиҳат — партия катта тажрибага эга.

— Демократик тамойилларга асосланган мамлакатда қатъий ғурур, келажакка бўлган ишонч устувор бўлмоғи лозим, — дейди вилоят силга қарши курашиш диспансери бош ҳамшираси Зебо Хўжаева. — Мени ҳеч ким ХДПга кир, деб етаклагани йўқ. ЎзХДПнинг қурултойларида кўтарган масалалари билан аввалдан таниш эдим. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти менга жуда маъқул бўлади. Обдон ўйлаб кўриб, сўнг амин бўлдимки, менинг ўрним худди шу партияда экан. Иккиланмай унга аъзо бўлдим. Айни пайтда «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари фаолиятида иштирок этиб келаяпман.

— У ёки бу диний оқимларга кўр-кўрона, билиб-билмай қўшилиб қолган тенгдошларим борлигидан афсусдаман, — дейди НДКИ ҳузуридаги Академик лицей ўқитувчиси Зафаржон Абдуллаев. — Ундай ёшларда бирор бир касб-ҳунар эгаси бўлишга ёхуд мукаммал билим олиб, Ватан учун меҳнат қилишга иштиёқ, қатъият, ғурур, шижоат етишмаслигидан шу ҳолат юз беради, деб ўйлайман. Партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти ана шундай иллатларга қарши курашишни ният қилган. Олиб бораётган ишлари ҳам кўпгина тенгдошларимда қизиқиш уйғотмоқда. Шу сабаб ХДПга аъзо бўлишга қарор қилдим.

Бунга ўхшаш фикрларни навоийлик Наргиза Ҳайдарова, навбаҳорлик Гулнора Султонова, қизилтепалик Нурали Жалиловлардан ҳам эшитдик. Ушбу фикрлар, ХДП ёш аъзоларининг шижоатини кўриб бемалол айтиш мумкинки, сафимиз фаол, ташаббускор, ўз мустақил фикри, дунёқарашига эга ёшлар билан тобора мустаҳкамланиб бораяпти.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Янгиариқ туман партия кенгаши Қармиш маҳалласида «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» деб номланган давра суҳбати ўтказди. Унда турли даврда ишлаб, нафақага чиққан фахрийлар ёшлар билан мулоқотга киришдилар. Туман партия кенгаши раиси Р.Машарипова истиқлолнинг моҳияти ва тарихий аҳамияти, мустақиллик йилларида юртимизда рўй берган улкан ўзгаришлар, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда қўлга киритилган ютуқлар, партиямиз аъзоларининг бунёдкорлик ишларига қўшаётган ҳиссаси хусусида сўз юритди.

— Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгандан буён ўтган даврда рўй берган ўзгаришлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари истиқлол берган имкониятлардир, — деди Қармиш КФЙ раиси Н.Отажонов. — Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар билан бирга, маънавий, маданий ва диний қадриятларимиз тикланди. Ўзлигимизни танидик...

Фаоллар Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги, партия сиёсати, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида фикрлашиб, электорат билан алоқаларини мустаҳкамлаш учун яратилган имкониятлар, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар, Ёшлар йилида ЎзХДП фаоллари зиммасидаги вазифалар хусусида сўз юритишди.

Пахтаобод туман партия кенгаши ташаббуси билан Маданият қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Марказий шифохонада «Миллий ғоя ва маънавий юксалиш: тамойиллар ва вазифалар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши раиси Ҳ.Саидов, шифохона бош ҳакими, БПТ раиси А.Акбаров мавзунинг асосий жиҳатларига тўхталиб, маънавиятимиз янги демократик дунёқараш фикрлар хилма-хиллигини ифодалаб, жамият манфаатлари ва миллий қадриятларни ўзида тўла акс эттираётганини қайд этдилар. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва халқ маънавиятини юксалтириш, жойларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда маҳаллалар, таълим муассасалари билан партия ташкилотларининг ҳамкорлиги хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Хонқа туман партия кенгашида ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг Хоразм вилоятидаги фаоллари иштирокида сиёсий партиялар, хусусан Ўзбекистон ХДПнинг жамиятдаги ўрни, мақсад ва вазифалари, ёшларни касбга йўналтириш ва ишга жойлашишларида кўмаклашиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

— Бугун мамлакатимизда таълим соҳасининг моддий-техник ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш билан бирга, ёшларнинг иш билан бандлиги масаласига ҳам энг долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда, — деди туман партия кенгаши раиси А.Воисов. — Хўш, яратилган имкониятлардан ёшлар қандай фойдаланмоқда, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун фаолларимиз нима ишлар қилаяпти? Бугунги тадбиримиздан мақсад шу каби саволларни муҳокама этиб, аниқ режаларимизни белгилаб олишдан иборат. Тадбирда йилнинг иккинчи ярмига доир ёшлар билан ишлаш режаси маъқулланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Тиббиёт

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизда она ва бола саломатлиги, соғлом авлодни тарбиялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Республика ихтисослашган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали фаолияти ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда акушерлик ва гинекология, ҳомиладорлар паталогияси бўлими, ҳомиладорларни ихтисослашган даволаш бўлими, катталар ва чақалоқлар реанимацияси, вилоят репродуктив маркази, консультатив аёллар маркази, чақалоқлар бўлими мавжуд бўлиб, уларда фан ва амалиёт ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган.

Шифо масканида бир вақтнинг ўзида 250 аёлни даволаш имконияти мавжуд. Туғуруқхона жаҳон андозаларига мос замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангач, диагностика ва даволаш ишлари янада яхшиланди. Жорий йилнинг ўтган ойларида бу ерда 3280 нафар бўлажак оналарга тиббий хизмат кўрсатилди.

Суратларда: Тиббиёт маркази биноси; врач-гинеколог Дилфуза Шарипова ёш онага ўз маслаҳатларини бермоқда.

Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР ТАЛАБА БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий соҳанинг мунтазам ривожланиб бориши янги касб йўналишлари, ихтисосликлар очишни талаб этмоқда. Ҳар йили ривожланаётган ва малакали мутахассисларни талаб этадиган соҳаларга кадрлар тайёрлаш ишлари муттасил ўрганиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилда айрим олий таълим даргоҳларида янги йўналишлар очилди ва абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинди. Айни пайтда, Ўзбекистон давлат санъат институтининг Қорақалпоғистондаги филиали иш бошлайди. Олий маълумотли кадрлар тайёрлашда иқтисодиёт тармоқларини 2012 йилгача бўлган таҳлиллари асосида муҳандислик, қурилиш, замонавий технологиялар йўналишига кўпроқ эътибор қаратилади. Бундан ташқари, бир қатор олий таълим даргоҳларида хитой тили, ихтиология, генетика, биофизика, биокимё, биоинформатика, ғазначилик иши каби янги таълим йўналишлари ташкил этилди.

Юртимизда «Ёшлар йили» Давлат дастурида таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшлар учун олий ўқув юрти талабаси бўлишни олдиндан белгилайдиган ҳамда имтиёзлар берадиган имкониятлар тўла амалда. Хусусан, республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиблари, белгиланган тартибда имтиёзлар берилиши назарда тутилган кўрик-танловлар ва мусобақалар ғолиблари тест синовларисиз олий ўқув юрти талабаси бўлиш имкониятига эга. Бундан ташқари ҳарбий қўмондонлик тавсиясига эга ҳарбий хизматдан бўшатилган аскарларимиз учун ҳам имтиёзлар тўлиқ сақланиб қолган.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига 345733 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Бу бир ўринга ўртача 5,4 абитуриент тўғри келади, демакдир. Шундай экан, энг билимли, иқтидорли ёшлар талабаликка мушарраф бўлади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида «Биз тинчликсевар юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар акцияси ўтказилмоқда.

ТИНЧЛИКСЕВАР ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Ёзги таътилда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига кўмаклашиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, навқирон авлодни она Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида ташкил этилган акцияда мингдан зиёд ўғил-қизлар иштирок этаётир.

Тадбир доирасида Сирдарё туманида иқтидорли ҳаваскор мусаввирлар — Фарзона Отахонова, Феруз Жумаев, Ҳилола Тилябованинг ижодий кўргазмаси намойиш этилди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ Ибройим ЮСУПОВ

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Шу йил 24 июль куни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, атоқли адиб ва таржимон Ибройим Юсупов оғир хасталикдан сўнг 79 ёшида вафот этди.

Ибройим Юсупов 1929 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида туғилди. 1949 йилда Қорақалпоқ давлат педагогика институтини битиргач, меҳнат фаолиятини шу институтда ўқитувчиликдан бошлади. Шоир сермазмун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. 1961-1988 йилларда «Амударё» журналининг бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси марказий газетасининг бош муҳаррири лавозимларида самарали меҳнат қилди. Кейинчалик эса Қорақалпоғистон Тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, Маънавият ва маърифат марказининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатди.

У қаерда ишламасин, ўзининг ташкилотчилиги, билим ва тажрибаси билан эл-юрт ҳурмат-эътиборини қозонди.

Ибройим Юсупов 60 йилдан ортиқ фаол ижод қилди. Унинг дастлабки шеърлари 1946 йилда республика марказий нашрларида чоп этилди ва халқона оҳанги, ўзига хос услуби билан жамоатчилик назарига тушди. Шундан сўнг «Бахт лирикаси», «Шарқнинг йўлчисига», «Ўйлар», «Етти довон», «Даштдаги момақалдироқ», «Кўнгил кўнгилдан сув ичар», «Илҳом» сингари қатор шеърий тўплам ва достонлари чоп этилди. Унинг кўплаб асарлари ўзбек, рус, украин, қозоқ ва бошқа тилларга таржима қилиниб, адабиёт мухлислари орасида кенг шуҳрат қозонди.

Атоқли адиб бадиий таржима соҳасида ҳам самарали меҳнат қилди. У Алишер Навоий, Шекспир, Гёте, Байрон, Пушкин, Махтумқули, Шевченко, Самад Вурғун, Ғафур Ғулом каби шоирларнинг асарларини қорақалпоқ тилига юксак маҳорат билан таржима қилиб, ўзига хос ижодий мактаб яратди. У меҳрибон ва талабчан устоз сифатида кўплаб ёш ижодкорларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш йўлида ҳам жонкуярлик билан хизмат қилди.

Ибройим Юсупов мустақиллик йилларида айниқса жўшиб ижод қилди. Ўзининг қатор шеър ва достонлари, публицистик мақолалари билан озод ва эркин ҳаётимизни, юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни ғурур ва ифтихор билан тараннум этди.

Ибройим Юсуповнинг адабий ва ижтимоий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонлари, «Эл-юрт ҳурмати», «Дўстлик» орденлари билан тақдирланган эди.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқининг ардоқли шоири, ажойиб инсон, садоқатли дўст, меҳрибон устоз Ибройим Юсуповнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, М.ЕРНИЯЗОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Т.ҚАЙИПБЕРГЕНОВ

Бандлик дастури амалда

УЧ ЯРИМ МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛАДИ

«Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамиятида яна 3,5 минг киши иш билан таъминланиб, ҳар йили 3 миллиард сўм қўшимча даромад олинади

Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида Денов туманидаги «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамиятида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун жамоа ички имкониятлардан самарали фойдаланаётир. Жорий йилнинг эрта баҳорида Денов, Бойсун, Узун ва бошқа туманларнинг 4 минг гектардан ортиқ майдонларида зиғир ҳамда масхар экилганди. Ғалладан бўшаган 2 минг гектарга эса кунгабоқар етиштириш йўлга қўйилди.

— Молдова Республикасидан 60 тонна сара уруғ келтирилганди, — дейди жамият раиси Абдусалом Шоймардонов. — Сифатли ва сара уруғлар 548 та фермер хўжаликларига шартнома асосида тарқатилди. Айни кунларда экин бир текис униб чиққан. Мазкур маҳсулотлар ўзимизда қайта ишланиб, сифатли истеъмол ёғи ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, жамият тасарруфида қишлоқ хўжалиги бўлими ҳам ўз фаолиятини бошлади. Унда зироатшунос ҳамда ветеринария ходимларидан иборат 15 нафар киши меҳнат қилмоқда. Келажакда хориждан 50 бош наслдор сигир келтириш мўлжалланган. Кўзланган мақсадларга эришиладиган бўлса, жамиятда 3,5 минг киши иш билан таъминланади, ҳар йили 3 миллиард сўм қўшимча даромад олишга эришилади.

(Ўз мухбиримиз).

ХОРИЖДА

ТАМАКИГА ҚАРШИ

Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг ва Microsoftнинг асосчиси Билл Гейтс ҳамкорликда глобал миқёсда чекишга қарши курашувчи жамғарма тузишни эълон қилишди, деб хабар беради РИА Новости.

Уларнинг фикрича, никотинга қарши уруш эълон қиладиган жамғарма маблағи 2013 йилга келиб 500 миллион долларни ташкил этади. Бу янги қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий реклама учун сарфланади.

Forbes журналининг ҳисобкитобига кўра, дунёдаги миллиардерлар орасида учинчи ва қирқ иккинчи ўринда турувчи икки америкалик Ҳиндистон, Хитой ва Индонезиядаги ташвишли ҳолатга алоҳида урғу берган. Чунки ривожланган давлатлар тамаки саноатини сиқиб чиқаришга уринаётган бир пайтда, улар бу соҳани кучайтирмоқда. Блумбергнинг фикрича, Нью-Йорк шаҳри чекишга қарши курашда яхши натижаларга эришган. Ҳозир шаҳардаги чекувчилар миқдори сўнгги 50 йил ичида энг паст кўрсаткичга эга.

КОЛУМБИЯ НИКАРАГУАНИ АЙБЛАДИ

Америка давлатлари Ташкилоти йиғилишида Колумбия Никарагуа ҳукуматини Колумбия инқилобий қуролланган кучлари исёнчилари билан ҳамкорлик қилишда айблади, деб хабар беради Мексика телевидениеси.

«Колумбия ҳукумати Никарагуа президенти Даниэл Ортегига террорчи ташкилот билан алоқа қилиши учун ваколат бергани йўқ»,— деди йиғилишда Колумбия элчиси.

Эслатиб ўтамиз, Никарагуа президенти Колумбиянинг розилигисиз, воситачи сифатида исёнчилар билан музокара олиб боришга тайёр эканини билдирган. Бу эса Колумбия ҳукуматининг норозилигига сабаб бўлди. Ҳукумат расмий вакилининг фикрича, террорчи ташкилотни қўллаб-қувватлаш инсон ҳуқуқлари бузилишининг қўпол кўринишидир. Колумбиялик сўл радикал оқим 1964 йилдан бери ижтимоий адолат ва тенг жамият — Янги Колумбия барпо этиш шиори остида ҳукуматга қарши кураш олиб бормоқда.

ЧАҚМОҚ УШЛАГИЧ

Хитойлик олимлар чақмоқ қувватидан фан ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш технологиясини яратди, деб хабар беради «Чайна дейли».

Ихтиро ёрдамида чақмоқни ҳавода тутиб, коллекторга ўтказиб юбориш мумкин. Махсус ракета чақмоқ чақишидан бир неча сония олдин керакли жойга учиб боради ва чақмоқни йўналтиради. Кашфиётчиларнинг айтишича, ускуна ишлашининг аниқлиги 70 фоизни ташкил этади. Шунингдек, янги ускуна чақмоқ етказадиган моддий зарарни камайтиришга хизмат қилади.

Статистиқага биноан, Хитойда йилига мингга яқин одам чақмоқ уриб, қурбон бўлади. Моддий зарар эса бир йилда 143 миллион доллардан иборат. Олимларнинг фикрича, чақмоқнинг бир разряди миллиард киловатт электр токига тенг. Дунё бўйича ҳар сония 100 чақмоқ чақини юз беради.

Божхона бекати

ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ЎЗИМИЗДА ҚОЛДИ

Яқинда Андижон вилояти божхоначилари айланма йўлларда ҳаракатланаётган «Зил» русумли иккита юк автомашиналарни тўхтатиб, божхона назоратидан ўтказишганида, 8 тонна картошка юкланганлиги маълум бўлди.

Қонунбузар Ёдгорбек Мамадалиев ушбу маҳсулотларни яширинча қўшни давлатга олиб чиқишни кўзлаган эди. Аммо унинг қинғир режаси божхона ходимларининг ҳушёрлиги боис амалга ошмади.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари Кўнғирот туманидаги Устюрт текислигида, айланма йўл орқали ҳаракатланаётган иккита «КамАЗ» русумли автоуловни тўхтатиб, божхона назоратидан ўтказишганида пиёз, картошка, сабзи каби 18 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилганлиги ва юк эгалари Т.Омирбеков, С.Отенов, Р.Жалғасов, Б.Авезбергенов ва М.Болтабаевлар эканлиги аниқланди. Табиийки, қонунбузарлик ҳолатига чек қўйилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг биринчи ярми давомида 1018 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, қиймати қарийб 1 миллиард 41 миллион сўмни ташкил этувчи 1800 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мамлакатимиздан ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат Божхона Қўмитаси Матбуот хизмати

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Иқтисод ва ислоҳот

MIKROKREDITBANK

ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШ БОР ЖОЙДА САМАРА ОШАВЕРАДИ

Буни «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Андижон филиали жамоаси фаолиятида яққол кўриш мумкин

Қишлоқ жойларида аҳолининг кенг табақаларига микрокредитлар ажратишни янада кенгайтириш ва шу йўл билан кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни, фермерликни ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган «Микрокредитбанк»нинг Андижон вилояти филиалида ўтган давр давомида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ўтган қисқа вақт ичида вилоятда, айниқса, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва минибанклар тизими орқали молиявий инфратузилма вужудга келтирилди. Бугунги кунда вилоятда банкнинг 8 та филиали, 19 та

минибанки ва 1 та агентлиги (Хонобод) хизмат кўрсатмоқда.

Банк ташкил этилишининг биринчи кунидан бошлаб, вилоят ва туман ҳокимликлари ҳамда маҳалла бошқарув тизимида мутасадди бўлган ходимлар билан биргаликда жойларда ҳар бир хонадонга кириб, уларда тадбиркорликнинг қандай тури билан шуғулланиш истаги борлиги ва микрокредитга бўлган талаблар ўрганилди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳамда ушбу фаолият билан шуғулланиш истагида бўлганларни, айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, микрокредит ҳамда микролизинг моҳияти ҳамда қулайлигини кенгроқ тушунтириш ишлари ташкил этилди. Микромолиявий сармоялар ажратишдан олдин банк томонидан ташкил этилган махсус семинарлар ва кўрсатилаётган бепул консалтинг хизматлари мижозларнинг кредит ҳужжатларини тайёрлашларида қулайлик яратди.

Банк микромолиявий хизматларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, ўтган 1 йил ичида банк мижозлари сони 2 баробарга кўпайди ва 10 минг 477 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида улар сони йил бошига нисбатан 30 фоизга ошди. Ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг эвазига 10 минг 225 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, республикамизнинг чекка ҳудудларида иш билан таъминланмаган кўплаб одамлар муқим иш жойларига эга бўлишди. Уларнинг 6 минг 78 нафари аёллардир.

Бугун вилоят филиали банкларида кичик сармоялардан фойдаланаётган ишбилармон ёки кичик бизнес вакилларини кўплаб учратиш мумкин. Чунки банк микросармояларидан фойдаланаётган мижозларнинг 72,6 фоизи кичик миқдордаги бошланғич сармоялардан фойдаланаётган мижозларни ташкил этмоқда.

Масалан, Пахтаобод тумани, Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Соҳил маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Карима Рамазоновага берилган бошланғич сармоя микрокредитлари туманга хос бўлган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишига туртки бўлди. Қолаверса, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш, унинг эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳудуднинг жўғрофий ўрни ва аҳолининг шуғулланаётган касб маҳоратларига мос бўлган микросармоя мақсадларига қизиқишлари ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Хусусан, ҳунармандчилик, зардўзлик, кулолчилик, тикувчилик, миллий мебель жиҳозлари, автотеххизмат, сартарошхона хизматларини кўрсатиш борасидаги йўналишларига микросармояларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунинг учун туманда ташкил этилган 2 та минибанк самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Бўз ва Булоқбоши туманларидаги минибанклар ҳам бугунги кунда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожида тобора катта аҳамият касб этаяпти.

Марҳамат тумани, Қорақўрғон қишлоғига хос бўлган меҳнат тури — жун рўмол тўқишади. Ушбу қишлоқнинг 6 нафар аёлига ажратилган бошланғич сармоя микрокредитлари қишлоқдаги бошқа хотин-қизларни ҳам тадбиркорликка чорлади. Натижада Нурия Сатторова, Нигора Абдуазимова каби кўплаб тадбиркор аёллар банкнинг беминнат ёрдамидан мамнун бўлдилар. Банкнинг Куйганёр филиали мижози «Муштарийбону Хусниддин» ишлаб чиқариш корхонасига айланма маблағларни тўлдириш ва фаолиятини кенгайтириш йўналишига ажратилган микрокредит ҳисобига аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган кигиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Олтинкўл туманида тадбиркорлар талаби билан кулолчилик фаолияти ривож олди. Шунингдек, Шаҳрихон тумани «Кандакор» хусусий корхонасида ҳунармандчилик йўналишидаги пичоқчилик сир-асрорлари 40 нафардан зиёд ёшларга пухта ўргатиб келинмоқда.

Ҳар бир туман бўйича аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ижросини таъминланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада кенгайтириш, уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш борасида кўплаб лойиҳалар молиялаштирилмоқда. Биргина «Ҳунарманд касаначи» унитар корхонасига Пахтаобод тумани 24,8 миллион сўм миқдорида фотосуратлар ишлаб чиқариш ускуналари микролизинг асосида етказиб берилди. Хўжаобод туманидаги «Али-Фамеу» хусусий корхонасида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 30,0 миллион сўмга тенг миқдорда ускуналар микролизинг хизматлари асосида етказиб берилиб, бугунги кунда у ерда 8 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Натижада корхонада қўшимча яна 7 та янги иш ўринлари вужудга келтирилди.

Табиийки, Ёшлар йили филиал жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклаган. Улар «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилмоқда. Вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танлови ўтказиш режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, «Микрокредитбанк» АТБнинг Андижон филиали жамоаси бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш мақсадида катта ташаббускорлик ҳамда жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Зулхумор ЎРОЛОВА t

РАҚАМЛАР, ДАЛИЛЛАР

- *«Микрокредитбанк» АТБ Андижон вилояти филиалида бугунгача аҳолига 11350 дона сўмлик пластик карточкалар эмиссия қилинди.*
- *Барча бюджет ташкилотлари ишчи-хизматчиларига ойлик иш ҳақларини 30 фоизигача бўлган миқдорини пластик карточкалар орқали берилиши юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.*
- *Филиалнинг 58 та терминали мавжуд бўлиб, уларнинг 50 таси турғун савдо нуқталарига, 8 таси коммунал тўловларни қабул қилиш ва аҳолини нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида банкнинг туман бўлимлари кассаларига ўрнатилган.*
- *2008 йилнинг 1 июль ҳолатига мижозларнинг 22618 таси ҳисоб рақамида 92,8 млн. сўм қолдиқ маблағлари, ўрнатилган терминаллар орқали 510,4 млн. сўм транзакциялар амалга оширилди.*
- *2008 йилнинг биринчи ярмида банк кассасига 1403259,0 минг сўм савдо пуллари кирим қилинди. Натижада савдо тушуми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 390955,0 минг сўмга ўсди.*
- *2008 йил 1 январь ҳолатига омонат қолдиқлари 983233,0 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилнинг 1 июнь ҳолатига 1057463,0 сўм бўлди.*
- *Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2007» кўрик-танловида «Микрокредитбанк» АТБ нинг Андижон вилоят филиали вилоятда йилнинг энг яхши молия муассасаси деб топилди. Туман бошқармаларида эса 4 та туман банк филиаллари энг яхши молия муассасалари деб белгиланди.*

ИСТИҚЛОЛ САОДАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Собиқ Иттифоқ давридаги тартибларга кўра, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган одам шарафига у туғилган юртда бюст ўрнатилган. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги «Полярная звезда» колхози раиси Ким Пен Хва иккинчи олтин юлдуз билан тақдирлангач, Приморье ўлкасининг Чапигоу қишлоғида унинг бюсти қўйиладиган бўлади, у бориб, ўша жойларни кўради, аммо қайтиб келгач, шундай дейди: «Менинг Ватаним — Ўзбекистон, бюстим ҳам шу ерда бўлиши керак!»

Ким Брутт ўзининг узоқ йиллик журналистлик фаолияти давомида машҳур корейс фарзандлари ҳақида ҳикоя қилувчи юқоридаги каби ёрқин хотираларга бой кўплаб мақолалар яратган.

Ҳозирги кунда у муҳаррирлик қилаётган «Корё Синмун» газетаси ўзбекистонлик корейсларнинг бугунги ҳаёти, қувонч ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қилади. Дарвоқе, яқинда газетанинг ўн йиллик тўйи бўлди. Шу муносабат билан ўтган вақт ичида газетада чоп этилган энг яхши мақолалар «Корейс уйғониш даврининг оғриқлари» деган ном остида китоб ҳолида нашр қилинди.

Газетада албатта, Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси, унинг вилоятларда, туман ва корхоналарда фаолият юритаётган қиррқа яқин маданият марказлари иши ҳам кенг ёритиб борилади.

Мустақиллигимиз билан қарийб тенгдош бўлган ассоциациянинг унутилаётган корейс маданияти, анъана ва урф-одатларини тиклаш, она тилини ўрганиш борасидаги ишлари бугун ўз мевасини бера бошлади.

Ҳозир Тошкент ва Самарқанддаги бешта олий ўқув юртида корейс тили бўлимлари мавжуд. Мамлакатимиздаги етмишта мактабда корейс тили ўргатилади. Шунингдек, диёримизда Корея Республикасининг таълим маркази фаолият юритади, унинг бепул ўқув курсларида ҳар йили мингдан ортиқ юртдошимизга корейс тили ўргатилади. Унда фақат корейслар эмас, балки бошқа миллат вакиллари ҳам тил ўрганади. Бу бежиз эмас — Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги дўстона ҳамкорлик, айниқса, иқтисодий алоқалар йилдан-йилга ривож топмоқда.

— Спортчи ва тренер сифатида кўплаб мамлакатларда бўлганман, — дейди **корейс маданият марказлари ассоциацияси раиси Владимир Шин.** — Ўзининг ёки шогирдининг ғалабаси учун Ватан байроғи кўтарилиб, мадҳия янграган лаҳзалар спортчи учун энг бахтли онлардир. 1979 йил Нью-Йоркда бокс бўйича Жаҳон кубогини қўлга киритганимда, 2000 йил Сиднейда бўлиб ўтган Олимпиадада ўзбек боксчиси олтин медалга сазовор бўлганида шундай лаҳзаларни бошимдан кечирганман. Шу йилнинг 25 февраль куни мени бундан ҳам чуқурроқ ҳаяжон қамраб олди. Ўша куни Корея Республикасининг янги президенти Ли Мён Бакнинг инаугурация маросимида иштирок этаётган эдим. Янги президент ўзининг биринчи расмий нутқида энг олий меҳмонлар орасида биринчи бўлиб Юртбошимиз Ислом Каримов номини тилга олди. Шу куни Жанубий Корея пойтахтининг бош майдонида ҳозир бўлган барча юртдошларим ўз Ватани, ўз Президентидан чексиз ғурурландилар. Сафар давомида Юртбошимизга кўрсатилган ҳурмат-эътибор Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасидаги дўстона, мустаҳкам алоқалар бундан буён янада ривожланишини яна бир бор исботлади. Бу эса ассоциациямиз ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширишида янги уфқлар очади.

Бугун ўзбекистонлик корейсларнинг аждодлари Ватанига бориб келиши, у ерда ўқиши ва ишлаши муаммо бўлмай қолди. Бу эса улар ўз она тилини соф ва мукаммал эгаллашлари, миллий маданият ва қадриятларини тиклашларига замин яратмоқда.

Сирасини айтганда, халқларимиз урф-одатлари бир-бирига жуда яқин. Эътибор қилган бўлсангиз, корейс кино ижодкорлари яратган сериаллар томошабинлар орасида кенг оммалашди, уларнинг турмуши, эзгу орзу-интилишлари ҳаётимизга жуда яқин.

— Ҳатто урф-одатларимиз ҳам яқин, — дейди **ассоциация ташкилий бўлим мудири Римма Когай.** — Оғир-босиқлик, андишалилик, айниқса, кичикларга иззат, катталарга ҳурмат ҳар икки халқда эгизак одат. Корейслар ўз ҳаётида уч байрамни, албатта нишонлаши керак — оила қуриш, фарзандининг бир ёшлик тўйини ўтказиш, отаонасининг олтмиш ёшга тўлишини тўй қилиш. Бизда ҳам оилада катта ўғилнинг ўрни худди сизлардаги каби масъулиятли. Қолаверса, корейс халқи ҳам ўз вақтида истибдоднинг бутун азобини юракдан ўтказган. Шу боис, озодликни, одамийликни, дўстлик-ҳамкорликни қадрлайди.

Яқин ўтмишда тилимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам унутилаёзган эди. Ўтказаётган ҳар бир тадбиримизни миллий қадриятларимизни тиклашга йўналтирамиз. Масалан, «Миин — 2008» гўзаллик конкурсида қизларимизнинг тилимизни, урф-одатларимиз, миллий либосларимиз ва ошхонамизни қай даражада билишига эътибор қаратдик. Ёш хонандалар танлови ҳам миллий қўшиқларимизнинг оммавийлигини оширишда муҳим бир омил бўлиши шубҳасиз.

Ўз тилида гапириб, қадрият ва анъаналарини улуғлаш, аждодлари юртига бемалол бориб-келиш имконига эга бўлган корейс ёшлари ўзларини Ўзбекистон фарзанди деб биладилар.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *«Корё» миллий рақс дастаси рақкосалари.*

Ватан манзаралари

САНГАРДАК ШАРШАРАСИ

Марказий Осиёда ҳам машҳур

Сўлим Сариосиёнинг Сангардак шаршараси ҳақида эшитгансиз. Денгиз сатҳидан 3 минг метр баландликда жойлашган пурвиқор тоғ бағридан оқиб тушаётган шалола ҳар қандай одамни ҳайратга солиши табиий. Эни 25-30, баландлиги 100 метрча келадиган шаршара ажойиб манзара ҳосил қилган. Қоядан қояга урилиб тушаётган сув камалак рангларида жилоланади. Биллурдай тоза, шокила-шокила бўлиб тарқалаётган оби-ҳаётдан завқ-шавқ оласиз.

— Ҳар фаслнинг ўз таровати бор, — дейди суратқаш Аъзам Абдураимов. — Бу ерга қишда келсангиз Сангардакнинг музидан ҳосил бўлган бетакрор ва гўзал сумалакларига мафтун бўласиз. Атрофга баҳор сеп ёйганида тепадан тушаётган сув унга эш бўлади. Жазирама ёзда эса дам олувчиларнинг севимли масканига айланади. Айниқса, заррин томчилардан роҳатланасиз. Майин шабада танга ҳузур бахш этади. Бир сўз билан айтганда, қоялар бағридан тушаётган шаршара Она табиатнинг бетакрор мўъжизасидир...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ХОТИРА ТУРНИРИ

Наманганда Тўйчи Неъматов хотирасига бағишлаб муай-тай бўйича республика турнирини ўтказиш анъанага айланган. Бундан тўрт йил илгари Янгиқўрғон туманида ташкил этилган ушбу мусобақа иштирокчилари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Шу боис бу гал беллашувлар вилоят маркази — Наманган шаҳрида ўтказилди. Унда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган, 1992-1993 йилларда туғилган ёшлар ўн бир вазн тоифасида ўзаро ғолиблик учун куч синашдилар.

Тошкент шаҳри, Наманган, Андижон ва Бухоро вилоятлари вакилларигина ҳал қилувчи финал баҳсларига йўлланма олишди. Тай-боксчилардан Ғулом Ҳалимов, Бекзод Шокиров, Жасур Кабиров, Абдуманно Қаҳҳоров, (Тошкент), Умид Собиров, Ботир Эргашев, Аъзам Абдуллаев, (Наманган), Аслиддин Ҳамидов, Аброр Ҳотамов, Аббос Раҳмонов, (Андижон), Достон Худойбердиев (Бухоро)лар ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига диплом, медаллар ва Тўйчи Неъматов оила аъзолари ҳамда ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Жакбарали ТИЛЛАЕВ,
журналист.

Надомат

«Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамияти ишчилари яқинда бир йиғилишга тўпланишди. Йиғилиш вилоят газеталаридан бирида босилган шу корхона ишчиси Абдубанноб Аҳмедовнинг қонундан ташқари хатти-ҳаракати ҳақидаги мақоланинг муҳокамасига бағишланди. Хўш, оддий юк ташувчи катта корхона жамоасини безовта қиладиган қандай гуноҳ содир этганди?

ХАЛҚИМИЗ СУБУТСИЗДАН ҲАЗАР ҚИЛАДИ

Ўттиз ёшга тўлган Абдубанноб Аҳмедов асли марғилонлик. У 2003 йилнинг июлидан 2007 йилнинг мартига қадар Россияга бориб ишлаган. Мусофир бўлиб, паст-баланд ҳаёт кечириб юрганида ёт диний оқим вакиллари таъсирига тушиб қолади. Эътиқоди сустлиги, дунёқараши заифлиги сабабли шундай бўлган, дейиш мумкин. Лекин масаланинг моҳияти бошқача.

Абдубанноб «Иегова шоҳидлари» гуруҳи тўрига илиниб, уларнинг «таълимот»ини ўрганишга киришади ва шу оқим аъзосига айланади.

Абдубанноб 2007 йилнинг баҳорида Ватанимизга қайтиб келади. Бу вақтда у ўша диний оқим тарғиботчисига айланган, очиқ айтганда, энди фаолият кўрсатиши талаб этилаётган эди. Албатта, ҳар бир инсон ўзи афзал билган динга иймон келтириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эътиқод эркинлиги белгилаб қўйилган. Лекин миссионерлик, бошқаларни ўзга дин, секта ёки бузғунчи оқимга даъват этиш, шу мақсадга хизмат қилувчи китоб ва қўлланмаларни тарқатиш қонун йўли билан тақиқланган. Қонунга зид фаолият учун тегишли жазо чоралари белгиланган.

Абдубанноб Аҳмедов эса мамлакатимизга қайтиб келиши билан ўзига ўхшаш оғмачи кимсаларни излашга тушди. Ажабланарлиси шундаки, Ислом оламининг буюк алломаси, «Ҳидоя» асари муаллифи, улуғ аждодимиз Бурҳониддин Марғиноний довруғини оламга ёйган Марғилондай шаҳарда, исломий эътиқоди собит ва мустаҳкам одамлар орасида унга эргашадиган кимсалар ҳам топилди. Абдубанноб Севара исмли аёлни қўлга олгач, у билан бирга аҳоли ўртасида дину эътиқодимизга ёт қарашларни тарғиб қила бошлайди. Бу эса юқорида айтганимиздек, қонунга зид ҳаракат, яширинча бузғунчиликдир. Яқинда у Тошлоқ шаҳарчасидаги эр-хотин О.Баратов ва Н.Эргашевага «Иегова шоҳидлари» диний «таълимот»идан сабоқ бераётган пайтда қўлга олинди. Миссионерга тегишли Иегова «таълимот»ига оид китоблар, уни тарғиб этувчи журналлар ҳам шу хонадонда сақланган экан. Лекин хорижда нашр этилган бу адабиётлардан фойдаланиш учун диний қўмита рухсати олинмаган.

Мана шундай адашишлар, бало-ю офатлар ва у келтирган кулфатларни кўра-била туриб, иймони, ақл-фаросати жойида бўлган одам бундай қабиҳликка журъат қила олмайди. Бу ўзи мансуб бўлган халққа, ўзи туғилиб ўсган Ватанга очиқдан очиқ душманлик эмасми?

Аслида, ота-бобосининг дину эътиқодидан юз ўгирган одамни ким деб аташ мумкин? Ё тавба! Ёнингда дўст бўлиб юради, душманнинг ишини қилади! Ичи бошқа, сирти бошқа! Пул учун динини ҳам, юртини ҳам сотади бундай кимсалар. Халқимиз бундай нафси бузуқ, пасткаш ва субутсизлардан ҳазар қилади.

Маълумки, мўътабар ислом дини нозил бўлганидан буён ғаразли кучлар уни ич-ичидан емиришга жонжаҳди билан уриниб келади. Шу мақсадда ҳар хил фитналар уюштирилган, миссионерлик ҳаракати ташкил этилган. Бу ҳеч кимга сир эмас, ҳозир. Айни шу мақсадда махсус марказлар фаолият кўрсатади ва улар молиявий жиҳатдан таъминлаб қўйилган. Кейинги йилларда дунё бўйича олти миллиондан ортиқ миссионер тайёрланган, ҳар йили 42 тилда, (жумладан ўзбек тилида) 27 миллион нусхада бузғунчи тушунча ташувчи китоблар чоп этилаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Ўтган йили элликка яқин ҳолатда олти минг, бу йил эса, ўттиз уч ҳолатда 654 дона бузғунчи тушунча ташувчи тақиқланган нашр сарҳадларимиздан олиб ўтилаётганида ушлаб қолинганига нима дейсиз?

Бу — дўстнинг иши эмас албатта. Қора кучлар тинчлигимизни, осойишталигимизни кўра олмайди. Уйимизни, динимизни бузмоқчи бўлади! Мўмай пул ишлайман деб иймонини сотаётган Абдубанноб Аҳмедовга ўхшаганлар эса экспанция манбаига айланади, уларнинг аравасига миниб, «қўшиғини» тараннум этади. Бунинг оқибати қандай тугаши билан иши йўқ!

Минг афсуски, Фарғона вилоятида бу ягона ҳодиса эмас. Фарғона шаҳрида яшовчи Д.Азимова ҳам қонунга зид равишда ўзича ибодатхона очган. Унда диний йўсиндаги машваратлар ўтказиб келган. Унинг яна бир ҳамшаҳари Э.Ким ҳам ўз хонадонида ибодат уйи ташкил этган. Унда қирқ нафарга яқин турли миллат ва элат вакиллари қандайдир диний оқим қўшиқларини куйлаб, ўз раъйларича тоат-ибодат билан машғул бўлган. Яна денг, бу икки ибодатхона ҳеч қандай ҳужжатсиз, рухсатсиз, қонунга зид фаолият юритган.

«Диний бағрикенглик, турли дин ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик-тотувликка содиқлик каби сифатлар ўзбек халқининг ўзига хос фазилатларидан ҳисобланади, — деб ёзади Бельгиянинг «Ля газет Дипломатик» журнали шу йил июль сонида. — **Айни шу тамойиллар Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда».**

Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, дейди халқимиз. Эл кўзидан яширинча иш қилиндими, билингки, ғайри мақсад бор, ғараз бор, адоват бор...

Ноқонуний диний ташвиқот олиб боргани учун биз айтган кимсалар муносиб жазога тортилди, албатта. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳати кишини ўйлантиради. Нега биз ҳамон бу масалаларга эътиборсиз қараймиз? Бундай нобакорлик токи маддалаб кетмагунича, кўз юмиб, томошабинлик қиламиз, кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга оламиз?!

Биз бу дориломон кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ! Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **бу ҳаётни ҳимоялаш керак-**ку, ахир! Мўътабар динимизни, азалий исломий қадриятларимизни, ўғил-қизларимизни, тинчлигимизни ва осойишталигимизни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз-ку!

— Корхонамизда бўлиб ўтган йиғилишда Абдубанноб Аҳмедовнинг бузғунчилик ҳаракатлари қаттиқ қораланди, — дейди жамиятга қарашли «Кимёгар» газетаси муҳаррири М.Маматқулов. — Бундай кимсалар ҳали дунёқараши тўла шаклланмаган навниҳол фарзандларимизни чалғитади, уларни тўғри йўлдан оздиради. Бундай адашишлар жабру жафосини заҳматкаш халқимиз кўп кўрган, кўп юрагидан ўтказган. Шунинг учун ҳам огоҳликни ҳеч қўлдан бермай, бу нотинч дунёга доимо ҳушёр қарашимиз керак. Ҳаёт шуни талаб этмоқда!

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Мустақиллик шарофати билан юртимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун катта имкониятлар яратилди. Шу боис ёш спортчиларимиз Ўзбекистон шарафини дунёга таратмоқдалар, катта мусобақаларда зафар қучмоқдалар.

Олти ёшидан бошлаб спорт билан ошно бўлган Комила Тўхтаева ҳозиргача кўпгина мусобақаларда ғалаба қозонди. У спортнинг бадиий гимнастика турига меҳр қўйган. Устози Анелла Малкина бошчилигида тиним билмай машқ қилиб, бадиий гимнастиканинг нозик қирраларини эгаллаш учун интилаётгани яхши самара бераётир.

Комила айни пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицей талабаси. Ўқишда ҳам барчага ибрат кўрсатмоқда.

Спортга астойдил меҳр қўйиб, тинимсиз маҳоратини ошираётгани боис Россия, Украина, Исроил, Туркия ва Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирлардан совринли ўринларни эгаллаб қайтди.

Шу йилнинг май ойида Нукус шаҳрида ўтказилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинларида пойтахтимиз терма жамоаси шарафини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ушбу беллашувларда Комила тўртта олтин ва битта кумуш медалга сазовор бўлди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида эса шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Комила Тўхтаеванинг нияти — Жаҳон, Осиё чемпионатлари ва Олимпиада мусобақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

Суратда: *Комила Тўхтаева.*

Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат.

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан 2007 йилда Хайитбоева Дилноза Бахтиёровна номига берилган №3976 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.20
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda